

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

### ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

моҳиятини чуқур англаб, қадрига етиш —  
ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

Кун кеча Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Тошкент шаҳар фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга бағишланган шаҳар жамоатчилиги иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усманов олиб борди.



Маълумки, шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган тадбирлар бошланиб кетди. Президентимиз қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган улуғ ширини гоё сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби, Тошкент шаҳрида ҳам дастур асосида қўллаб байрамолди тадбирлари белгиланган.

Йиғилишда мазкур қарорнинг изчил ижросини таъминлаш, бунинг учун, жумладан, ўтказилаётган учрашув, суҳбат, маъруза ва бошқа тадбирларда фуқароларимизнинг мустақиллик улуғ неъмат экани, истиқлолга эришиш ва уни мустаҳкамлаш йўлида қандай мураккаб даврларни бошдан кечирганимиз, халқнинг иродаси ва матонати, давлатимизнинг оқилона сиёсати билан қандай машаққатларни енгиб ўтганимизни, Юрбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган туб ислохотлар моҳиятини янада тереңроқ англашнинг бош мақсад қилиб қўйиш, бу бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Одамларнинг онги, фикрлаши, дунёқараши ва ҳаётга муносабати юртинг келажагини белгилувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги давлатимиз учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида ҳар томонлама ривожланиш даври бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз ташаббуслари билан асим Тошкентимизда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳар инфра-тузилмасини яхшилаш, янги иш жойларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш юзасидан қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорда мамлакатимизда истиқлол йиллари-

да эришилган ютуқларимизнинг барча қирралари аниқ кўрсатиб берилган.

Йиғилишда байрамолди тадбирларда мамлакатимизда олиб борилаётган ана шу эзгу ишлар моҳияти ва уларнинг натижасини аҳолига тушунтириш, юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, маънавий-маърифий тарғиботни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги — халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами ҳисобланади. Шу боис байрамга муносиб тайёргарлик кўриш халқимизга хос улуғ фазилат бўлиб, шаҳримизнинг ҳар бир маҳалласи, мавзеси, корхона ва ташкилотда ободонлаштириш ва байрамга мос тарзда безаш ишларини амалга ошириш керак.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами муносабати билан шаҳар ҳокимлигининг қабул қилинган фармойишига биноан байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш йўналишлари ва вазифалари белгиланган.

Жумладан, жорий йилнинг 25 июнидан 25 августигача умумшаҳар ободонлаштириш ва тозалаш икки ойлиги эълон қилинди.

Йиғилишда мазкур фармойишга асосан амалга оширилиши лозим бўлган асосий ишлар кўлами белгиланган.

Ҳар бир маҳалла ҳудудида жойлашган турар жой бинолари атрофини тозалаш, дарахтларни буташ ва оқлаш, ариқ ва зовурларни тозалаш, бўш ётган майдонларни кўкаламзорлаштириш, чиқинди ташлаш жойларининг санитария ҳолатини яхшилаш, уларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, бу бўйича аниқ режа тузиб, уни амалга ошириш, болалар ўйингоҳ ва дам олиш майдончаларини тартибга келтириш, «Намунавий маҳалла» дастури асосида жами 100 та маҳалла ҳудудидаги ички кўчаларни асфальт қилиш лозимлиги таъкидланди.

Бу ишларни амалга оширишга маҳалла фаоллари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳудудлардаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, хонадон эгалари ва аҳолини кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 3-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ

Бугунги кунда ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса барчамизга зиё улашиб, онг ва тафаккуримизни бойитишда матбуот ва матбаа соҳалари ходимларининг ўрни беқиёсдир.



27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

## МАТБАА-НОШИРЛИК СОҲАСИДА ЕТАКЧИ

Шаҳримизда фаолият олиб бораётган кўплаб нашриётлар орасида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси алоҳида нуфуз ва аҳамиятга эга бўлган мукаммал ноширчилик ва матбаачилик мажмуи ҳисобланади.

Мамлакатимиз матбаа саноатини халқаро даражага етказиш борасида кейинги йилларда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг нашриётимиз томонидан олиб бораётган ишлар ҳам бунга яққол мисол бўла олади, — дейди «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси газети ва журналлар мажмуаси бошлиғи Бехзод Адхамов биз билан суҳбатда. — Мустақиллик шарофати билан юртимизда матбаа-ноширчилик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, китоб ва газеталарнинг сифатли чоп этиш борасида муайин тажрибаларга таянишмоқда. Бугунги кунда мажмуамизда ҳафтасига икки миллиондан ортиқ нусхада газеталар чоп этилмоқда. Замонавий технологияларнинг амалиётга татбиқи этилиши натижасида цехларимизда 87 номда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий йўналишдаги газета ва журналлар чоп этиш имкониятига эга бўлди. Яъни амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ корхонамизда замонавий технологиялар жорий этилиб, Германия, Швеция ва Ҳиндистондан келтирилган тежамкор ускуналар билан жиҳозланди. Юсак технология линиялар, замон билан ҳамнафас тарзда иш юритиш матбаачиларга мадддор бўлмоқда. Ходимларимизнинг ҳам ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари ютуқларимиз омили бўлмоқда. Айниқса, Шеродил Саидов, Тўлқин Тошматов, Иброҳим Эргашев, Шукрулло Ашурметов, Холмат Мухиддинов, Холида Орипонова, Оля Андреева каби кўплаб ишчи-хизматчиларимиз газет ва журналларнинг сифатли ва тезкор чиқишида жонқуярлик билан

меҳнат қилмоқдалар. Фурсатдан фойдаланиб мажмуамизда меҳнат қилаётган барча ходимларни касб байрамлари билан самимий табриклаймиз.

Бугунги кундаги янгиланишлар барчамизга кўтаринки кайфият бахш этмоқда, — дея суҳбатимизга қўшилди цех бошлиғи Абдумалик Маҳмудов. — Цехимизда ишчи-хизматчилар самарали фаолият кўрсатишлари учун барча имкониятлар яратилган. Жорий йилда ишчиларнинг маънавий-маърифий дам олишлари учун маънавий хоналари, кечаю-кундуз ишлайдиган шинам ошхоналар барпо этилди. Ишчилар бир маҳал бепул овқат ва махсус кийим-кечаклар билан таъминланди.

Бугунги кунда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 750 дан ортиқ матбаа ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланганидек, уларнинг меҳнат қилишлари ва дам олиш вақтларини мароқли ўтказишлари учун қулай имкониятлар яратилган. Ишчилар ва уларнинг оила аъзолари меҳнат таътиллари давомида саломатликларини тиклаб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун, «Навбахор» санаторий-профилакторийси, «Фазогир Гагарин» болалар оромгоҳига йўлланмалар берилди. Шунингдек, дам олиш кунларида ёзги пансионатда оилавий ҳордиқ чиқаришлари учун автобуслар қатнови ҳам йўлга қўйилган.

Ушбу замонавий матбаа мажмуасидан бир олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, туну кун халқимизга зиё улаштиришда шарафли касбни улуғлаб меҳнат қилаётган матбаа ходимларини биз ҳам касб байрамлари билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси цехларида иш қизгин  
Ислом Исмоилов олган сурат



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги, Жиззах шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ёш офицерларга оқ йўл тилаб, Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

● Навоий шаҳрида касб-хунар коллежи битирувчилари ва вақтинча ишсиз аҳоли учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 172 корхона, ташкилот ва муассаса 412 бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада 250 нафардан ортиқ аҳоли ва коллеж битирувчиси доимий иш ўрнига эга бўлди. Тадбир доирасида иш берувчи ҳамда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумотлар берилди.

● Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида «Сардор текстиль бизнес» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги тикув цехи ишга туширилди. «Пахтакор» маҳалласида фаолият бошлаган ушбу тикув цехига 15 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди.

● Хоразм вилоятида «BankExpo — 2013» кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада соҳадаги янги технологиялар, кредит турлари ҳамда мижозларга тақдим этилаётган банк хизматлари ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ҳамда таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

● Маҳалла ёшлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақасининг Наманган шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада шаҳардаги 82 маҳалла фуқаролар йиғинидан 240 жамоа тўрт ҳудудга бўлинган ҳолда баҳс олиб борди.

## ЖАҲОНДА

● Татаристон Республикасида кучли момақалдирик ва бўрон туриши муносабати билан 35 мингдан ортиқ одам электр қувватидан узилиб қолди.

● Эквадор Республикаси ташқи ишлар вазири Рикардо Паттионьонинг маълум қилишича, мамлакат маъмурларига МРБнинг собиқ ходими Эдвард Снаууденга сиёсий бошпана берилиши тўғрисидаги масала юзасидан қарор чиқариш учун бир неча ҳафта лозим бўлади.

● Англия пойтахтида ўтказилаётган «Катта дубулга» туркумига кирувчи Уимблдон турнири қатнашчиси швейцариялик теннисчи Рожер Федерер пойабзали тағчармининг ранги пушти бўлганлиги учун мусобақа раҳбарияти томонидан оғохлантириш олди. Гап шундаки, ушбу мусобақа қатнашчилари қатъий тарзда фақат оқ либосда бўлишлари лозим.

● Франциянинг Марсель шаҳридаги юк сақлаш портида ғаройиб жиноят содир этилди. Унга яқин ўқотар қуроллар билан кўриқчини гаровга олган жиноятчилар «Мерседес-Бенц» русумли етти машинани ўғирлаб кетишган. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг сўй-ҳаракатларига қарамасдан ҳозирча жиноятчиларнинг изи топилганича йўқ.

## ҚИСҚА САТРАДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ ЭРТАГА 35-оилавий поликлиника қошида Тошкент шаҳрида илк маротаба тиббий икти-

мой марказ очилади.


✓ КЕЧА Олмазор туманида жойлашган 191-умумтаълим мактабида ташкил этилган «Кўёшча» номли болалар оромгоҳида «Ги-

ёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ БУГУН Чилонзор туманидаги 164-умумтаълим мактабида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доира-

сида тадбир уюштирилди.

✓ ПОЙТАХТИМИЗДА «Сени қўлаймиз, замондош!» Ўзбекистон театрларининг иккинчи республика танлови ўтказилмоқда.



# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ҳар биримиздан Буюк Истиқлол моҳияти, унга эришиш учун кечган курашлар, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўл, хуллас, амалга оширилган изчил ислохотлар мағзини қақишга ундайди. Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улғу нёзматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини янада чуқурроқ англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.**



Юртбошимиз шу йилнинг 19 июнида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ташрифлари чоғида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорда истиқлол туфайли айнан нималарга эришганимизнинг асосий йўналишлари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилганини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йилларда шаклланган аънаъага кўра, ҳар йили бу **Энг улғу, энг азиз** байрамимизни улғу шior остида нишонлаймиз. Маъкур қарорда мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун: **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** – деган шior асосий гоё сифатида ўртага қўйилди. Масала – аён, мақсад – аниқ: мустақил Ўзбекистон ҳар биримиз учун қадр-қиммат, таянч ва ифтихор эканини теран англашимиз керак.

Ўтган йигирма икки йил мобайнида Ўзбекистонимиз, аслида, асрларга татигулик улкан тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Тарихан жуда қисқа бу фурсатда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллади. Ана шу оламшумул ютуқларимизнинг турли-турли қирралари мавжуд. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳар бир жа-бҳасида алоҳида-алоҳида қўлга киритган ютуқларимиз бор. Масалани шу тарзда қўйиб таҳлил этасак, кўз олди-мизда давлат ва халқ жипслигининг ҳосиласи сифатида юзага чиққан улкан ишлар бор бўй-баси билан гавдаланади.

Истиқлолнинг 22 йиллиги ҳақида ўйлар экан, ҳар қандай фуқаро: «Халқимизнинг истиқлолга эришган йилларида кўнглидан кечган фикрлар қандай эди-ю, дунё нгоҳида Ўзбекистоннинг кўриниши қандай тасаввур қилинади?» – деган саволга жавоб изласа, ажаб эмас.

**Истиқлолга эришилганидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар бошланиб кетди. Бу уч йўналиш амалда ҳаётнинг барча жабҳасини қамраб олди. Шу тариқа келажакимизнинг мустақам пойдевори қўйилди.**

Ўтган йиллар одамлар эрк, озодлик, интилиш, ҳаракат, яратиш, дунёга боғланиш, ҳеч қимдан кам бўлмай яшашнинг... ширин таъминоти тотиб улгурди. Энди халқни ҳеч қим, ҳеч қандай қуч орқага қайтара олмайд.

**Баъзида одам қундалиқ ташвишлар билан елиб-югуриб, баъзан икки-уч ой олдинги воқеани эсломлайди. Лекин бир ярим асрга яқин мустамлака зулмининг аччиқ-аччиқ аламларини чеккан халқ истиқлолнинг йигирма икки йилида босиб ўтган йўлини унуттиш, таҳлил қилмаслиги, қадрига етмаслиги асло мумкин эмас.**

Ўз-ўзидан, бир табиий савол туғилади: *ким эдигу ким бўлдики?*

Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун жилд-жилд китоб ёзиш керак. Қисман ёзилди, ёзилляпти, ёзилади ҳам. Бироқ ҳар ким бу масалада ўзича фикрлар, ўзига хос тарзда мулоҳаза юритаверади.

Очигини айтганда, тоталитар тузумдан қутулиб, янги миллий давлат қуриш ҳеч бир халқ учун осон кечмаган. Биз ҳам худди шундай ўта мураккаб, машаққатли, синов-имтиҳонли йўлни босиб ўтдик. Йилмон билан айтиш кераки, муваффақиятли босиб ўтдик.

Сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида ўз кўрсатди. Халқаро майдонда муносиб ўрнини эгаллади. Ўз овозига, ўзига хос маънаега эга бўлди.

Юртимизнинг Байроғи, Герб, Маҳияси, Конституцияси, давлат тизими, миллий армияси бор. 600 дан ошқан янги қонун қабул қилинди. Уларнинг бари амалда жамияти демократлаштириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, ҳуқуқий давлат қуришдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши изчил демократик таъминлаш асосида таъминланди, замонага мослашиб бормоқда. Кўптартиявий жамият барпо этилди. Халқ мукобиллик асосидаги сайловга ўрганди. Фуқаролар орасидан шундай етуқ, фаол шахслар етишиб чиқдики, сиёсий партиялар улар номзодини депутатликка қўйди, улар сайловчилар ўртасида ўз дастури билан чиқиб, Ўзбекистонимизни ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Халқ шунга кўра уларга овоз берди.

Бугунги кунда бошқарувда жамоат ташкилотларининг ўрни ва маънаеи кескин ошди. «**Кучли давлатдан – кучли жамият сари**», – деган шior изчил амалга оширила борапти. Демократик тузумда давлат бошқарувининг уч асосий йўналишигина устувор ўрин тутди. Биринчиси – қонун чиқарувчи ҳокимият. Бу халқаро атамада «**парламент**» дейилади. Бизда парламент – Олий Мажлис. У икки палатадан – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат. Иккинчиси – ижро ҳокимияти. Бизда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда унга тегишли вазирлик, ҳокимлик ва ташкилотлар ижро органини ташкил этади. Учинчиси – суд ҳокимияти.

Қолган вазифалар жамият зиммасига юкланди. Жамоат ташкилотлари давлат ташкилотлари фаолиятини ҳам таҳлил этиши, ўрни келганда, жамоатчилик назоратини амалга ошириши, бошқача айтганда, давлат идоралари ишига ҳар тарафлама қўмақлаштириш лозим.

Бу ўзгаришлар қишлар онғидаги ҳам нарсани давлатдагига қўтиш каби боқимандалик илатини бартараф этишга олиб келди.

Иқтисодий жиҳатдан туб бурилиш юз берди. Инсон – мулкка эга бўлиш, уни қўпайтириш учун тинмай ҳаракат қилиш, ақл-фаросати, истеъдод-салоҳиятини ишга солиб, тадбиркорлигининг ҳар хил намуналарини кўрсатишга тўла ҳақли. Бу унинг бевосита конституциявий ҳуқуқлари сирасига кирди.

Мамлакат, унинг халқи бой-бадавлат яшар экан, дунё ҳам у билан ҳисоблашиб гаплашадиган бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт юз бериши учун эса хусусий мулк ҳуқуқи қафолатланиши керак. Ўтган 22 йил бизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очди.

Ер – бизда энг катта бойлик. Ерни эгасига – деҳқонга бериш сиёсати юритилди. Айниқса, кейинги йилларда фермер хўжалиқлари тузиш бўйича жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Албатта, бу осонликча кечётган жараён эмас. Аммо бир нарс аниқ: стратегик йўл жуда тўғри танланган.

Қишлоқда алоҳида бир ишчан тоифа – фермерлар пайдо бўлди. Бутун қилинган ишлар эзгу уруғ қадашга ўшайди. Униб чиқиб, экин ҳосилга кирсин, кейин кўрасиз на-тижани.

Барчамиз «Ахборот», «Давр», «Пойтахт» ва шунга ўхшаш ахборот дастурларини қизиқиб томоша қиламиз. Нимага

десангиз, ҳар бир дастурда мамлакатимизнинг у ёхуд бу ерида бир-икки янги корхона ишга тушгани кўрсатилади. Буни кўриб, фуқаро сифатида ич-ичимиздан қувонамиз. Нега? Ахир, янги корхона дегани – катта ҳодиса. Бу, қимлардир иш билан таъминланди, унинг уйига файз, рўзгорига барака, ҳаётига рўшнолик кирди, деган гап. Даромад келмас экан, ҳеч нарс а ишлаб чиқарилмади. Бирон нарс а ишлаб чиқариляптими, билингки, ундан фойда келяпти. Халқ бойлигини сари давлат ҳам мустақамла-на боради.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг ўзгариб, чирой очиб бораётгани, қуриляётган коллеж, лицей, мактаблар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий уй-жойлар, бo-рингки, гузар, чойхона, тўйхона ва дўконлар ҳам иқтисодий салоҳиятимиздан далолат бермайдими?

Маънавий ислохотлар самараси ҳақида алоҳида тўхта-лиш лозим. Тилга, тарихга, меросга, динга, урф-одат-ларга, аънаъа ва қадриятларга, адабиёт ва санъатга му-носабатинг қанчалар ўзгариганини бир тасаввурга келти-райлик.

Мустақиллик ва Наврўз байрамларидаги, 1997 йилдан бошлаб Самарқандда ҳар икки йилда бир бор ўтказилаёт-ган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалидаги, шаҳарла-римиз юбилейлари тантаналаридаги театрлаштирилган ом-мавий сахна дастурлари санъатимиз раванқига, унинг янги маъно-маъини билан бойиб бораётганига, амалда биз бу тадбирларимиз билан истиқлолимизни жаҳон аҳли юз-

зи мамлакатдаги миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштиради. Юртбошимиз ўртага ташлаган: **«Шу азиз Ватан – барчамизники»**, – деган шior ана шу байналмилал сиёсат моҳиятини тўла акс эттиради.

Конституция ва қонунларимиз асосида барча фуқаро-ларга, миллатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинлик-лар берилган, **миллатлараро тотувлик** миллий мафку-рамизнинг асосий гоёларидан бири ҳисобланади, турли миллат вакиллари бўлган фуқароларимиз мамлакат риво-жига муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Ишлаб чиқаришни оласизми, илм-фан ва техника дейсизми, маданият ва спорт, адабиёт ва санъат соҳаларига назар ташлайсизми, турли миллат вакиллари бўлган фуқароларимизнинг фи-дойилигини кўрамиз. Давлат муқофотлари билан тақдир-ланганлар, давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларида меҳнат қилаётганлар орасида ҳам турли миллат ва элат-лар вакиллари бор.

**Истиқлол – қадр-қиммат, ор-номус, гурур** экани – ҳаммамизга аён. Шуни эсдан чиқармайликки, мустамлака-чилик сиёсати даврида халқимизнинг қадр-қиммати ерга урилди, ор-номуси ва гурури топталди. Айнан истиқлол туфайлигина унинг қадр-қиммати, ор-номуси ва гурури жой-жойига қўйилди.

Биз **бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум – эркин фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат** қуряпмиз. Бунинг учун олдиндан **ислохотлар стратегияси** аниқлаштириб олинди.

## ИСТИҚЛОЛ — БАХТИМ-САОДАТИМ

қўзи олдида баралла тантана қилаётганимизга бир ёрқин далил эмасми?

Бизда давлат халқ келажиги учун қайғуриб, таълим ти-зи-мига қанча маблағ сарфлаётганини сарҳисоб қилиб кўрайлик.

Биргина жиҳатга диққат қилайлик. Шу кеча-кундузда мамлакатимизнинг идоралари, таълим муассасаларино хо-надонларида жами қанча компьютер ишлаб турибди? Улар-нинг ҳаммаси ўзимизнинг маблағимиз ҳисобига келган. Бу ҳам иқтисодий бойлик, ҳам маънавий юксалишнинг буюк техникавий воситаси. У амалда ақлни тезлаштиряп-ти, вақтни иқтисод қилапти, одамни ўстиряпти, биз за-мон, демаки, илгор дунё билан бўйлаша бошладик. Бу-гун очик айтaversиш керак: қимки компьютерда ишлашни билмаса, XXI асрга ўта олмабди. Бизда чет, хусусан, ин-глиз тилини ўрганиш масаласи ҳам устувор даражада йўлга қўйилди.

Хозирги ҳаётимизни янада фаровонлаштириш, мамла-катимизнинг орзуимиздаги даражаларда гуллаб-яшнаши йўлида давлат ва халқ олдида хали қиладиган иш – жуда кўп. Чунки ҳеч бир халқ демократик тузум, бозор иқтисо-диёти, ҳуқуқий давлатни қисқа муддатда қуриб битказма-ган. Шунинг билан айта оламизки, мустақиллигининг мурак-каб синовлари ортда қолди. Одамларимизнинг турмуш даражаси кўтарилди.

**Истиқлол йилларида олиб борилган туб ислохотлар ҳосиласи сифатида бугун жамиятимизда аввалги даврда-гиларга ўхшамайдиган тамоман янги шахс шаклланди. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз.**

Янги шахсининг Ватан ҳақидаги тасаввури ўта муайян-лашди, «**Ўзбекистон – Ватаним маним**» деб баралла ай-тадиган бўлди, чунки мамлакатимиз мустақил миллий дав-латга айланди.

Халқимиз ўз меросидан озиқланиши, у билан фахрла-ниши, уни ўрганиши, керак бўлса, дунёга қўз-қўз қилиши мумкин эканини ҳис қилиб яшай бошлади. Вақт инсоннинг қўлидаги энг ганимат, энг улғу бойлик эканини, бутун башариёт бир-бири билан айнан шу вақт-дан ютиш, ақлни, бутун салоҳиятини айнан онг-тафаккур қучини ишга солиб, кам меҳнат сарфлаб, кўп самара ола-диган усул ва услубларга, техника ва технологияга ўтиш зарурлигини, Президентимиз Ислам Каримов айтганидек, «**Куч – билим ва тафаккурда**» эканини теран англади...

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-си, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзе-бекистон мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусидаги маърузаларида «аҳолининг онгу тафаккурда туб ўзгаришлар рўй берганини **энг муҳим ўзгариш** сифатида қайд этган, ҳатто, бунинг **ўзига қилиб: «Одамларнинг ўзи ўзгарди»**, – деб баҳолаган эдилар...

Мисол учун «**Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун**» гоёсини олайлик. Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган **сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотлардан** қўзланган бош мақсад инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг тўқис ҳаётини барпо этиш, аҳоли турмуш фаровонлигига эришишдан иборат. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида айнан қўйилганга сўзлар битиб қўйилгани ҳам бизда инсон манфаатлари бош масала эканидан аяқол далолат беради:

**«Ўзбекистон Республикасида демократия умумин-соний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».**

Айнан шунинг учун ҳам **мустақиллик – аввало, ҳуқуқ**, Бунинг ҳар тарафлама ва чуқур англаб етмоғимиз зарур. Истиқлол йилларида демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш, янги-янги қонунлар қабул қилиб, миллий қонунчилигимизни таъминлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш борасида эришилган улкан ютуқларимиз демократия борасида қандай юксак даража-ларга етганимизни исботлаб турибди.

**Ўзбекистон – қўпмиллатли мамлакат.** Бу бизнинг улкан ютуғимиз. Бизда ҳар бир миллат ва элат вакили-нинг ўз миллий урф-одат, аънаъа ва қадриятларини ас-раб-авайлаши, ривожлантириши учун барча ҳуқуқий асо-слар яратилган. Ўзбекистон Байналмилал маданият мар-ка-

Жаҳонда «**Ўзбек модели**» дея тан олинган, Президенти-миз Ислам Каримов томонидан шакллантирилган ўтиш даврининг беш машхур тамойили, яъни **иқтисодиётнинг сиёсатдаги устуворлиги, ишлаб чиқаришни мафкура-дан холи қилиш; давлатнинг бош ислохотчилиги; қонун устуворлиги; аҳолининг мураккаб демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий ҳимоя тизимини жорий этиш; бозор иқтисодиётига тадри-жий асосда, яъни босқичма-босқич ўтиш** мамлакат учун мураккаб кечган йиллар, жумладан, жаҳонда 2008 йилдан бунён юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўзини тўла оқлади.

Иқтисодиётимизнинг тубдан ислох қилингани, бозор муносабатларига ўтилгани, ўзаро рақобат ва бевосита ман-фаатдорлик асосидаги иқтисодий сиёсат олиб бориляёт-гани, бу эса ўзининг катта самараларини бераётгани, жа-ҳонда кечётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимизда кейинги беш йил мобайнида ялли икки маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўртача 8 фойздан ошқир-роқ ўсишга эришилаётгани, импорт ҳиссасининг қамайиб, экспорт улущининг ошиб бораётгани, инвестициялар ки-риши қучаяётгани, эркин иқтисодий зоналар (Навоий, Ан-грён, Жиззах) барпо этиляётгани, янги-янги замонавий йирк корхоналар қурилиб, ишга тушириляётганини ўйла-сак, Ўзбекистонимизни қандай порлоқ истиқболлар қута-ётгани янада ойдинлашди.

Биз маънавий юксалиш йўлида ҳам улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимизда **маънавий ислохотлар** (ёшлар тарбияси, ўзликини англаш, миллий қадриятларини тиклаш, дин, тарих, миллий мерос, адабиёт ва санъатга янгича муносабат, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, таълим тизими, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва ҳоказолар) борасида қилинган ишларни айтиб ўтиш лозим.

Истиқлол бизга: **«Ҳеч қимдан кам бўлмаганимиз, ҳеч қимдан кам эмасмиз, ҳеч қимдан кам бўлмаймиз ҳам»**, – деган фикрни баралла айтиш имконини берди. Ҳар биримиз ана шу шior туб моҳиятини тушуниб олиш-га, бунинг учун тарихда халқимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган нийҳоятда улкан ҳиссасини, истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганимизни, истиқболимизда қўтиляётган буюк ўзгаришлар моҳияти ва аҳамиятини чуқур англашга ки-ришдик.

**Ўзбекистон – ёшлар мамлакат.** Чунки бизда аҳоли-нинг тенг ярмини 18 ёшгача, ундан икки қисмини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. **Ёшлар – келажакимиз.**

1997 йили «Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилиниб, таълим тизими қанча талабалари асосида тубдан ислох этилди, бу борада катта ютуқларга эришдик, соҳа-ни янада таъминлаштириш, замонавийлаштириш, таълим муассасалари моддий-техникавий базасини қучайтириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ёшларимиз ва-киллари эришаётган ютуқлар, айниқса, уларнинг илм-фан, маданият, спорт соҳаларида жаҳон микёсида ўзини кўрса-таётгани бу сиёсат замирида теран маъно-мазмун ётгани-дан далолат беради.

Бизда: **«Муқаддас ва мўътабарсан, аёл»**, – деган тамойилга қатъий амал қилинади. Бинобарин, ҳар бир жамиятнинг маданий қиёфаси, аввало, хотин-қизларга му-носабат даражасига қараб белгиланади. Мамлакатимизда аёлларга яратилган катта имкониятлар, уларга берилган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги Фармонлари аҳамияти, истиқлол йилларида фи-дойлиги билан меҳнат қилган аёлларимизнинг муносиб тақдирланиши, Зулфия муқофотининг жорий этилиши ва бошқаларни қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг шу йил 25 январда бўлиб ўтган навабдаги ҳисобот-сайлов конфе-ренциясида мамакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар самардорлигини таъминлашда хо-тин-қизларимизнинг ўрни ва мавқеи беқиёс экани ало-ҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Конференция иштирокчиларига йўллаган табригида, жумладан, шундай дейилади: «**Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатла-ри, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш бо-расидаги кўп қиррали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб маса-лаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса, охирги**

йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини қучайтиришга олиб келди».

Мамлакатимизда **аҳоли саломатлиги, соғлом турмуш тарзини барпо этиш** йўлида ҳам катта ишлар қилинди. Бунинг дунё ҳамжамияти ҳам тан олди. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш борасидаги ислохотлар Тошкентда ўтка-зилган халқаро конференцияда ҳам алоҳида ва қайта-қайта қайд этилди.

Ўзбекистонимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, уни тобора таъминлаштириш, аҳоли тиббий он-гини юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини жо-рий этиш бўйича амалга оширилган ишлар айнан истиқ-лол берган имкониятлар эмасми?

**«Ўзод ва обод Ватан, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш»** – миллий мафкурамизнинг бош гоёси, «**Ва-тан раванқи**» эса – унинг асосий гоёларидан бири. **«Ўзод юртим – обод юртим»**, – деган сўзлар бугун ўзига хос бир шiorга айланган, десак, муболага бўлмас. Албатта, бу гоё бизни изчил ҳаракатга ундайди. Шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларимизда амалга ошириляётган улкан ободон-лаштириш ишлари, хусусан, замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича қилинган тизимли бунёдкорлик ишлари-ни қаранг. Биринчидан, бу уйлар замонавий ва миллий талабларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда қуриляпти. Ик-кинчидан, имтиёзли кредит асосида бунёд этиляптики, бу, хусусан, ёш оилаларга жуда-жуда қўл келяпти. Уч-инчидан, уй эгалари йиллаб лой қориб, гишт ташиб, уста боқиб юриши шарт эмас. Тўртинчидан, ҳаммаси сифати-ли қурилиш материалларидан барпо этиляптики, бу улар-нинг узок муддат хизмат қилишини таъминлайди.

**Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати** жаҳон ҳам-жамиятида юксак қадрланади. Давлатимиз раҳбарининг минтақамиз ҳамда жаҳон микёсида тинчлиқни таъминлаш бўйича ўртага ташлаган қўлаб ташаббуслари, жумладан, Марказий Осиёни ядросиз зонага айлантириш, Афғонис-тон муаммоларини фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича амалга оширган ишлари, 2012 йил сентябрида «Ўзбеки-стон Республикасининг таъкид сиёсий фаолияти концеп-цияси» тасдиқлаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилин-гани, хозирги мураккаб ва таҳликали даврда тинчлиқни са-қлаш ва қадрлашнинг аҳамияти ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам оз.

**«Нон» – ризқ-рўзимиз.** Бу бизга ота-боболардан келаятган ҳикмат. Истиқлол йилларида бу ҳикматнинг қадри янада орди. Чунки биз галла мустақиллигига эришдик, кейинги йилларда ҳар йили камида 7,5 мил-лион тонна галла етиштириляпти. Қиёслайдиган бўлсак, 1991 йили галламиз 1 миллион тоннага ҳам етиб-етмас эди. Чунки пахта қяқхуқронлиги мавжуд эди. Хозир эса ҳар йили киши бошига камида 250 килограмм галла етиштириляпти. Ўзбекистонимизда ҳеч қайси замонда бу қадар кўп галла етиштирилмаган. Бу амалда давлат ва халқ жипслигининг ёрқин бир кўриниши ҳам ҳисобла-нади.

Фақат галла эмас, умуман, истиқлол йилларида мамла-катимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мис-ли қўрилмаган даражада қўлайди. Хозир қишин-ёзин бо-зорларимизда тўқин-сочинлик.

Истиқлол йилларида бизда **йўл стратегик масалалар**дан бирига айланди. Мамлакат тараққиётининг йўл-ком-муникациялар даражасига бевосита боғлиқлиги, юртимиз-да истиқлол йилларида қамчиқ доволни қурилгани, ши-молда Нукусгача, жанубда Термизгача жами қариб 1000 километрга яқин масофадаги янги темир йўллар тортил-гани, Тошкентдан Самарқанд, Бухоро, Қаршигача электр поевзид, Самарқандга эса тез юрар замонавий электр по-евзид қатнови йўлга қўйилгани, бу соҳанинг истиқболлари барчамизни қувонтиради, албатта.

Президентимиз Жиззах ва Сирдарё вилоятларида таш-рифлари чоғида айтганларидек, шўро даврида фақат ва фақат давлат мулки бор эди. Истиқлол йилларида бизда **хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга тараққиёт омили** деб қаралди. Чунки бозор иқтисодиёти дегани – аввало, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес дегани. Бу борада амалга оширилган улкан ишларни, ишлаб чиқари-ляётган маҳсулотларнинг катта қисми шу соҳага тўғри ке-ляётганини фуқаро сифатида, шу она юрт фарзанди си-фатида ҳар биримиз тўла англаб етишимиз зарур.

Истиқлол йилларида, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Юртбошимиз раҳнамолигида Тошкент шаҳрида ҳам мисли қўрилмаган даражада улкан ишлар амалга оширил-ди. Оч

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, мавжуд авария ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш, жумладан, кўп қаватли уйларнинг том қисмини, муҳандислик тармоқларини, кириш йўлакларини, лифт қисмларини таъмирлаш, иссиқлик тизимларини босим остида ювиб, профилактик таъмирдан чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада бажарилган ишларни жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда далолатномалар орқали расмийлаштиришни изчил йўлга қўйиш зарур.

Шулардан келиб чиқиб, барча коммунал хизмат ташкилотлари зиммасига куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган асосий режа-топширикларни жорий йилнинг 25 августига қадар тўлиқ якунлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, авария-тиклаш хизматларининг кечаю кундуз шай ҳолда бўлишига эришиш, бунинг учун уларни зарур техника ва бутловчи материаллар билан таъминлаш уқтирилди.

Ўзаро ҳамкорликда коммунал соҳада уй-жой қонунчилигига қатъий амал қилиш, мулкдорлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя этилиши соҳасида юзага келаётган муаммолар атрофида ўрганиб чиқилиб, мавжуд қонунбузарлик ҳолатлари таҳлил қилингани ҳолда шаҳар прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган аҳоли учун қулай бўлган оммабоп қўлланманинг маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳар бир ҳонадонга етиб боришини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириши лозим бўлади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгазининг 2013 йил 9 апрелдаги қарори билан ички мавзе ва ҳудудларда ўрнатилган автотранспорт сақлаш қурилмаларини босқичма-босқич олиб, уларнинг ўрнида замонавий автотранспорт турар жойлари ва болалар майдончаларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш керак. Бугунга қадар шаҳарда 10 минг 564 та темир гараж олиниб, улар ўрнида 496 та автотураргоҳ қуриш жойлари белгиланди. Ҳозиргача 357та ҳудуд бўйича тадбиркорлар аризалари рўйхатга олинди, шундан 300 таси бўйича туман ҳокимларининг фармойишлари қабул қилинди. Қабул қилинган фармойишлар асосида 217 та ҳудудда автотураргоҳлар қуриш ишлари бошлаб юборилган, шундан

63 тасида қурилиш ишлари якунланди. Шу билан бирга, қўшимча 145та болалар майдончаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Байрамолди дастурида маҳаллаларимизда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Бу йўлда ҳар бир фуқаро сергак бўлиб, ўз уйи, оиласи ва Ватанимиз тинчлигини сақлаш учун масъул эканини унутмаслиги даркор.

Маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар комиссиялари раисларининг ҳудуддаги ҳар бир оилага кириши, но-

ларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 12 минг 815 нафар нуфузли кишилар, тадбиркорлар, идора ва ташкилотларда ишловчи раҳбарлар кўмагида 15 минг 310 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Пойтахтимизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, салбий ҳолатларга чек қўйилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, шахримизда бошқа жойлардан келиб ишлаётган одамларни рўйхатдан ўтказиш ва бир марталик иш билан таъминлаш тизими яратилди. Бу борада шаҳар ҳокимининг мах-

оналари билан ҳамкорликни ташкил этиш, албатта, битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал этишни осонлаштиради.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида жойлашган 76та касб-хунар коллежини 36 минг 719 нафар ўқувчи 142та мутахассислик бўйича тугаллади. Бугунги кунда шаҳарда доимий рўйхатда турувчи битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан уч томонлама шартномалар имзоланди. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда туман ҳокимлари, мутасадди идоралар раҳбарларидан жорий йилнинг 5 июль кунидан бошлаб 1 августга қадар тузилган уч томонлама шартномалар асосида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашлари қатъий талаб этилди.

Жорий йилда ҳам бандлиги таъминланган битирувчилар рўйхатлари маҳаллалар кесимида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар асосида маҳалла фаоллари томонидан битирувчиларнинг иш билан таъминланганлиги ҳолати ўрганиб борилади ва шу тариқа бу жараён доимий назоратга олинади.

Шаҳримиз аҳолисини сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш куннинг долзарб вазифалари сирасига қиради. Айнан шу масала юзасидан туман ҳокимларига минтақалардаги фермерлар билан шартнома тузиб, ҳар бир маҳалла ички ҳудудда қўшимча енгил турдаги савдо шохобчалари ташкил этиш ва уларда фақатгина фермерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда жойларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга оид масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз мустақиллиги бизнинг шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови ҳисобланади. Шу сабабли мустақиллик байрамининг йиғирма икки йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни юксак даражада ўтказиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Чунки ҳар бир фуқаро қалбида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган гоя баралла фурури турибди.

Модомики, мустақил Ўзбекистон қадр-қимматимиз, таянчимиз, ифтихоримиз экан, шу азиз Ватан равнақи, бугуни ва эртаси учун барчамиз масъулият ҳиссини чуқур идрок этишимиз лозим.

**Ўзбекистон Миллий кутубхонасида француз тилида чиққан 15 минг номдаги турли нашрлар мавжуд. Бадий адабиёт намуналари орасида машҳур француз ёзувчиларининг асарлари ҳам бор.**

## Маънавият

### НОДИР АСАРЛАРНИ ВАРАҚЛАБ

Бальзак, Мольер ва Дюмаларнинг ҳаётлигида нашр қилинган айрим намуналарни олиб ўқиш мумкин. Вольтер асарларининг аксарияти кутубхонанинг ноёб мулкига айланиб қолди.

Шуниси эътиборлики, ўзбекистонлик таниқли сўз усталарининг француз тилида чоп этилган асарлари эса Париждан юбориб турилган. Жумладан Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асари 1958 йилда Парижда нашрдан чиққан эди. Ана шу китобнинг бир нусхаси кутубхонага юборилган.

Драматург Комил Яшиннинг «Лотос» журналида (1973 йил) босилган мақоласи билан ҳам танишиш мумкин. Пахтачиликка бағишланган илмий ишлардан бир нечтаси француз тилига таржима қилинди.

Бу каби нашрлар ҳам кутубхона хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Шу тариқа француз адабиётлари ўзбек китобхонининг мулкига айланиб қолди.

Шаҳзода РУСТАМОВА

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

**моҳиятини чуқур англаб, қадрига етиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир**

соғлом муҳитдаги оилалар билан яқиндан ишлаши ва уларга таъсир ўтказётган салбий омилларни аниқлаб, муҳитни соғломлаштириш чорасини кўриши талаб этилади.

**Жорий йилнинг 5 июлидан 5 августига қадар ҳафтанинг ҳар жума кuni соат 18.00 дан бошлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ташкил этилиб, танлов эълон қилинади. Якуний натижаларга кўра, 23 август кuni ушбу боғда ҳар бир туман, бош бошқарма, бошқарма, жамоат ташкилотлари тадбирларни қандай ташкил этгани бўйича танлов ғолиблари тақдирланади.**

Йиғилишда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, эҳтиёжманд фуқаролар ва якка-ёлғиз қарияларни аниқлаб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ушбу хайрли ишларга ҳудуддаги корхона ва ташкилотларни кенг жалб этиш тавсия этилди.

Жорий йилнинг бошида Тошкент шаҳрида меҳнатга лаёқатли, банд бўлмаган фуқаролар аниқланиб, рўйхатга олинди. Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, айниқса, бу масалани ҳал этишда маҳаллада истиқомат қилувчи нуфузли кишилар, тадбиркорлар имконият-

сус қарори қабул қилиниб, жойларда шу масала билан шуғулланадиган бюрлар иши йўлга қўйилди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида жойлашган 311та умумтаълим мактабини 38 минг 317 нафар битирувчи тамомлади. Бу йўналишда бизнинг асосий вазифамиз битирувчиларнинг барчасини таълимнинг кейинги босқичида ўқишини тўлиқ таъминлашдан иборат бўлади. Мазкур масала бўйича, ҳукуматимиз топшириғига асосан, «Маҳаллаларда яшайдиган умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил оладиган ўқувчилар ва битирувчиларнинг ҳисоботини юритиш дафтери» йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларида истиқомат қиладиган ушбу тоифадаги барча ёшларнинг аниқ ҳисобини олиб, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни қайд этиб боришни асосий вазифалари сирасига кириштириш керак. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудда истиқомат қилаётган 9-синф битирувчиларининг ота-оналарига таълимнинг мажбурийлиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим.

Касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш, мос йўналишдаги ишлаб чиқариш кор-

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni**

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситалари масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари, республика ва ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директорининг ўринбосари У.Султонов, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси раисининг ўринбосари Н.Мироилова, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳани ислоҳ этиш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олишга оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масалалари доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга оид «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва улар фаолиятида қонунийлигини мустаҳкамлашда жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг роли ва ўрни бекиёсдир. Жамоатчилик назоратини олиб боришда журналист суриштирувини ўтказиш, ахборотлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса журналистлар зиммасига улкан масъулият юклаб, касб этикасига қатъий амал қилишни, фидойиликка, янада фаолроқ бўлишга ундайди.

Семинарда ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида журналистларга атрофлича маълумот берилди.

## БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган учрашув ўтказилди.**

Унда депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида ўз ифодасини топишди. Ушбу жамоат ташкилоти томонидан оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларини эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олишига қўмаклашиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, соҳага оид амалий ишларни кенг ва атрофлича ёритиш оммавий ахборот воситалари ходимларидан улкан масъулият, билим ва тажриба талаб қилади.

Тадбирда соҳани ёритишда фаол иштирок этаётган журналистларга совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

## ЁШЛАР ҲАЁТИ — МУҲИМ МАВЗУ

**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ёшлар ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳиятини жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим ишларни амалга ошираётганини таъкидлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёш журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. «Бунёдкор» ёшлар телеклубида журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун семинар-тренинглار, маҳорат мактаби машғулотлари ташкил этилмоқда. «Камолот»нинг жойлардаги тузилмалари қошида журналистика тўғрисидаги йўлга қўйилган. Бу турли ҳудудларда яшайётган иқтидорли ёш қаламқашларнинг ижодий маҳоратини юксалтириш, устоз-шогирд аъёналарини ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Учрашувда ёшлар ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш хусусида атрофлича фикрлашилди. Ёшлар ҳаётини фаол ёритиб келаётган бир гуруҳ журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

(ЎзА)

## МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКДА АЁЛ ТАДБИРКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

**Пойтахтимизда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Республика «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Мустақиллик — олий саодат» деб номланган аёллар форумини ўтказди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси фаоллари, «Хунарманд» уюшмаси аъзолари, тадбиркор аёллар, талаба-ёшлар ҳамда чет эллик сайёҳлар иштирок этишди.

Форум очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимиз аёлларига яратиб берилаётган кенг имконият ва шароитлар, аёлларнинг жамиятдаги макени мустаҳкамлаш йўлидаги чора-тадбирлар, уларни тадбиркорликка жалб этиш масалалари ҳақида тўхталдилар.

Айни жабҳада мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги яхши маълум. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Хунарманд» уюшмаси ўртасида 2011 йил 11 февралда ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Мазкур меморандум доирасида қўллаб-қайрилиш ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга ўтган давр мобайнида «Хунар-

манд» уюшмасининг уч минг нафарга яқин аъзолари партия фаолига айланган бўлиб, уларнинг 478 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўз навбатида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан вилоятларда фаолият кўрсатаётган хунармандларга «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» дастурига мувофиқ имтиёзли банк кредитлари ажратилишига кўмаклашилди. Пировадиди, юртимизда аёл тадбиркорлар сони кўпайишига, оилавий бизнес ва касаначиликнинг ривожланишига омил яратилди.

Форумда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партияси ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорликда амалга ошираётган шу каби амалий ҳаракатлар ҳақида тўхталиб, жамиятда фаол, тадбиркор аёлларга диплом ва совғалар топширилди.

Бобур ЭСОНОВ,  
«Туркистон-пресс»

## Бадий гимнастика

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ КАТТА МУСОБАҚАСИ

Мусобақа «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар саломамлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортни оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда спортнинг қизларга хос нафис тури – бадий гимнастика жадал ривожланмоқда. Бундан ўн йил олдин бадий гимнастика билан 1600 нафар қиз шугулланган бўлса, ҳозирда уларнинг сафи 35 минг нафардан ошди.

«Кичкинтой» халқаро болалар мусобақаси бадий гимнастикани янада оммалаштириш, қизларни болалар спортга ошно этиш мақсадида ташкил қилинди. Унда 350 нафардан зиёд гимнастикачи қиз қалқилик, жуфтлик, трио, кваттет ва гуруҳ баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этди. Мусобақада иштирокчиларга гимнастика анжумлари, мусика ва либос танлашда эркинлик

**Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича аънанвий «Кичкинтой» халқаро болалар мусобақаси бўлиб ўтди.**

берилгани боис композиция ва дастурлар гоят ранг-баранг бўлди. Ёш гимнастикачилар ўзлари севган эртақ ва мультфильмлар қаҳрамонлари тимсолларини гимнастиканинг жозибдор ва мураккаб элементлари орқали ифода этди.

Яккаликлар баҳсида пойтахтлик Зулфия Исроилова, Аделина Омарова, Ойша Бобоматова, Валерия Шумилина, Тошкент вилоятидаги Моҳина Абдуҳалилова, бухоролик Мадина Широнова, навоийлик Меҳрибону Шоназарова, сирдарёлик Гулсанам Мусурмонкулова, самарқандлик Динора Сатторова, қашқадарёлик Севинч Чориева сингари иқтидорли гимнастикачилар голиб бўлди.


Гимнастикачи қизлар ижро этган йигирмадан зиёд композиция, айниқса, пойтахтлик қизларнинг «Кувнок оркестр», «Поппури», бекбодликларнинг «Цирк, цирк, цирк», қаршиликларнинг «Кўғирчоқ», бухороликларнинг «Тўрт гўзал», карма-

наликларнинг «Жўжалар», навоийликларнинг «Чойхона», нукусликларнинг «Нафосат» сингари дастурлари кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудида қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун барча шароит яратилгани «Кичкинтой» каби мусобақалар савиясининг янада ошишига, қизлар ўртасида бадий гимнастикани оммалаштиришга хизмат қилмоқда, – дейди мусобақа бош ҳаками Екатерина Сафронова. – Мазкур халқаро мусобақа кўплаб истеъдодли қизларни кашф этгани келгуси мусобақаларда мамлакатимиз терма жамоаси сафини салоҳиятли гимнастикачи қизлар билан кенгайтириш имконини беради.

Гимнастика байрами иштирокчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири



Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар

## Анжуманлар

## МАТЕМАТИКАДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетида «Математик фанларни ўқитишда мустақил таълимнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусида ўқув-методик семинари бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент Ислон университети, Тошкент Ахборот Технологиялари университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қоида-ҳақиқат ривожлантириш марказининг мутахассислари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок эттиди.

Семинар қатнашчилари томонидан таъкидлаб ўтилганидек, олий таълим тизимида фанларни ўқитиш сифатини ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири. Уни ҳал этишда тажрибали мутахассисларнинг педагогик технологияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида жорий этиш лозимдир. Талабалар учун ажратилган мустақил таълим соатларидан кенг

фойдаланиш долзарб масалалардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда бу жараёни таълимга кенг жорий этиш керак.

Семинар давомида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети таълим факультетида А.Комилов математик фанларни ўқитишда талабаларга берилаётган эътибор ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Тадбир якунида профессор-ўқитувчилар ўзлари тайёрлаган лойиҳалари бўйича тўхталиб ўтишда ҳамда талабалар учун қандай тахсил тури қулайлиги мавжудлиги юзасидан таклифлар беришди.

Ҳамида УСМОНОВА,  
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

**Шаҳримиздаги Фотосуратлар уйида «Круг и ...» ижодий гуруҳининг «Акс» деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Ушбу экспозициядан 32 та асарлар ўрин олган.**

## Кўргазмалар

## СУРАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Кўргазма «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёшлар ижод саройи ҳамда Тошкент Фотосуратлар уйи билан ҳамкорликда ташкил этилди. Намойиш этилаётган ҳар бир суратда томошабин рассомларнинг ўзига хос ишлаш услуби ва ёндашуви билан мавзунини тўла очиб берганлигига ғувоҳ бўлади. Жумладан, Сергей Чупарнов XX аср фотосуратларидаги образлар орқали юморга бой асарларини ҳавола этган бўлса, Оксана Иваненко туркум асарларида табиат қонуниятларининг ўзаро боғлиқлигини намойиш этган. Андрей Чаппенко ўз фарзандларини уқларган расмлари фонида тасвирлаган. Унинг наздида болалар мавзуси, уларнинг дунёқараши чек-чегара билмайди.

Айтиш керакки, рассом Евгений Пак рангтаъсирда график услубларни маҳорат ва жозиба билан қўллаган. Тимур Рахметов эса инсоннинг ички ва ташқи ҳолатини таққослаб, аслида улар моҳиятан муштарақ бўлиши кераклигини тасвирлаган. Олег Холодновнинг керамик панноси табиатда учрайдиган фректал геометрияга асосланган бўлиб, акс унинг асл хусусиятларидан эканлигини англатади. Кўргазманинг номи ҳам раъзий маънога эга, яъни ҳаётимиз – атроф-муҳит, қалб, ҳиссиётлар – буларнинг барчаси аксдир. Шунингдек, ўлмас қадриятларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, албатта, келажақда ўз аксини топади.

Яшна ЭМИНОВА,  
Дилшод РЎЗИКУЛОВ,

ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабалари

**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси ходимлари кечаю кундуз хизматта шай туришибди.**

матлар томонидан навбатчилик, қўриқлаш, кузатув ва назорат постларини ташкил этиш, илгари чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз берган ҳудудларга, аҳолига аниқ кўринадиган жойларга «CHO'MILISH QAT'YU TAQIQLANADI! – КУПАНИЕ СТРОГО ЗАПРЕЩАЕТСЯ!» таъқиқловчи белгиларни тайёрлаб, мустаҳкам ўрнатиш, шунингдек, бу борада оммавий ахборот воситалари ходимларини жалб этиб, тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларининг газетга, журнал ва маҳаллий телевидение орқали кенг ёритилишини ташкил этиш ва қучайтириш ишлари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, сув ҳавза-

чиларининг навбатчилигини ташкил этиш бўйича шартномалар тузиш ҳамда навбатчиликка жалб этилган ғаввос-қутқарувчиларни ғаввослик тайёргарлик курсидан ўтказиш, барча каналлар, дюкерлар ва ариқларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўприклар туби ва ўзгаришларини маиший чиқиндилардан тозалаш ҳамда санитар ҳолатини яхшилаш ишларини давом эттириш, сувнинг чўмилиш учун яроқчилиги, овқатла-ниш ва дам олиш жойларида санитария-гигиена талабларига риоя қилинишини назоратга олиш ҳамда уларда лаборатория текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бар-тараф этиш чораларини кўриш

ҳамда ишчи гуруҳлар тузилгани ҳолда, Тошкент шаҳри ҳудудидаги мавжуд оммавий чўмилиш жойларининг (қўриқланадиган ва қўриқланмайдиган канал, кўл, пляж, бассейнлар ва ҳоказо) мавсумга тайёргарлиги, уларнинг қўриқланиши, тиббий ва

**Шаҳар Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан**

**ХАВФСИЗЛИК  
ЧОРАЛАРИ  
КЎРИЛМОҚДА**

лари ва чўмилиш жойларидаги мавжуд моторли, қутқарув, сузиш қайиқлари ва катамаранларнинг техник ҳолатини текширувдан ўтказиб, яроқчилиги бўйича ҳулоса олиш, текширув давомида аниқланган носоз сузиш қайиқлари ва катамаранларнинг фаолият кўрсатишини таъқиқлаш, очик ва ёпиқ сув ҳавзаларида, ташкил этилган аҳолининг дам олиш ва чўмилиш масканларида кузатув ми-нораларини ўрнатиш, қутқарув қайиғи, сузиш қайиқлари, қутқарув жилетлари, қутқарув айланмаси, овоз қучайтиргич (мегафон), хуштак ва бинокль, ғаввослик ва қутқарув асбоб-ус-куналари билан таъминлаш, мавсум давомида очик ва ёпиқ сув ҳавзаларида чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва фўқароларга ўз вақтида биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида, тиббиёт пунктини ташкил этиш ва тиббиёт ходимларининг навбатчилигини келишилган ҳолда жойларда шартнома асо-сида ташкил этиш ҳамда керак-ли дори-дармонлар захирасини яратиш масаласи ҳам кун тартибидан жой олди.

Ҳозирги кунда очик ва ёпиқ сув ҳавзаларида «Ўзбекистон Сувда қутқарув жамияти» билан мавсумий ғаввос-қутқарув-санитария-гигиена талабларига мослиги, жойларда чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича аҳолига аниқ кўринадиган жойларга таъқиқловчи белгилар ўрнатилганлиги ва у ердаги фўқароларни қутқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг ташкил этилганлиги, хавфсизлик талабларига риоя қилинишини Тошкент шаҳар Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, Фавқуллодда вазиятлар, Қутқарув хизмати бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва дам олиш масканлари, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари раҳбарлари, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси Тошкент минтақавий инспекцияси, Сув хўжалиги, Бўйсув ирригация тизими, Ихтисослаштирилган суғориш шохобчалари, қўла-ламзорлаштириш, парвариш қилиш ва таъмирлаш бошқармалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида ўрганиб чиқиш учун қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Азамат СУЙОНОВ,  
журналист

Оз-оз ўрганиб  
домо бўлурМАШРИҚЗАМИН —  
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар кимнинг ҳисоб-китоби ўзи билан.

\*\*\*

Хотиржамлик – унутганларингни ҳам хотирада қайта тиклашдир.

\*\*\*

Илм ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган бебаҳо гавҳардир.

\*\*\*

Ўзини англаган вақтини беҳуда ўтказмайди.

\*\*\*

Дўст қўлингдан олади, душман оёғингдан.

\*\*\*

Дунёни ҳисобсиз деб ўйлаганлар адашадилар.

\*\*\*

Эртангдан умид бўлмаса, бугунингда ҳам файз йўқ.

\*\*\*

Тенгини топмаганнынг тинчи йўқ.

\*\*\*

Инсофни йўқотган ҳамма нарсани йўқотади.

\*\*\*

Ҳазилни тенгинг билан қилсанг ярашади.

\*\*\*

Кўзга кўринмайдиган иш кишини зериктиради.

\*\*\*

Фақат орзу қилиш эмас, интилиш ҳам керак.

\*\*\*

Янгиликни эътироф этиш ҳамиша қийин кечади.

\*\*\*

Ишёқмаснинг баҳонаси кўп бўлади.

\*\*\*

Ўз қадрини билмаган хор бўлади.

(Давоми бор)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчасида жойлашган «ASA AGROBIZNES» МЧЖга қарашли «Нарз» кафеини номига 25.02.2011 йил беришган №4-106/2011 реестр рақами, ТА 1143265 сонли бўлган нотураж жойининг Ер кадастр ҳужжатлари ва Давлат гувоҳномаи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 28 июнь кунини ҳаво ўзгариш турлари, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Фарбдан сеп-кунда 5-10 метр тезлик-да, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити ша-ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқа-либ кетишига имконият ярашади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, таъгиқдори наст бўлади.

**Тошкент оқшоми**

Манзиллими: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълолар: 233-28-95,  
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят қўлйўтер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:  
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, chorshanба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
11837 нусхада босилди.  
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул  
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 17.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмаҳонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ